

СҮЗ, ГАП ВА МАТНЛАРНИ ЎҚИШГА ЎРГАТИШ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Хўжамбердиева Фотима Неъматовна

Андижон давлат педагогика институти магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7296446>

Аннотация. Мақолада ўқувчиларнинг фикрлаши доираси, нутқий компитенцияси, сўз, гап ва матн ўқишига ўргатилиш орқали ўқувчилар нутқини ривожлантириши ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: нутқ, нутқий ривожланиши, савод ўргатилиш даврида нутқ ўстириши, ҳарф, бўғин, товуш, гап, матн, онгли ўқии, сўз таркиби, алифбо даври.

РАЗВИТИЕ РЕЧИ УЧАЩИХСЯ ПУТЕМ ОБУЧЕНИЯ ИХ ЧТЕНИЮ СЛОВ, ПРЕДЛОЖЕНИЙ И ТЕКСТОВ

Аннотация. В статье говорится о развитии речи учащихся путем обучения их чтению слов, предложений и текстов, их мышлении, речевой компетенции.

Ключевые слова: речь, речевое развитие, речевое развитие при обучении грамоте, буква, слог, звук, предложение, текст, осознанное чтение, структура слова, период алфавита.

DEVELOPING STUDENTS' SPEECH BY TEACHING THEM TO READ WORDS, SENTENCES AND TEXTS

Abstract. The article talks about the development of students' speech by teaching them to read words, sentences and texts, their thinking frame, speaking competence.

Key words: speech, speech development, speech development during literacy, letter, syllable, sound, sentence, text, conscious reading, word structure, alphabet period.

КИРИШ

Бошланғич синфда товуш ва ҳарфларни ўргатиш билан бир вақтда сўзларни ўқишига ўргатиш иши ҳам олиб борилади. Бу иш алифбо даврининг дастлабки машғулотлариданоқ бошланади.

Ҳарфни таниш ўқишини ўрганишнинг дастлабки қўринишидир. Аммо сўз таркибидаги товуш билан якка товушнинг талаффузида кескин фарқ бор. Бу ҳол болаларнинг ўқишида маълум даражада қийинчилик туғдиради. Болаларнинг тўғри ва онгли ўқишини таъминлаш учун усул танланади.

Болаларга бирор товуш ва ҳарф ўргатилгандан сўнг, улар ҳарфлардан бўғинларга бўлинган сўз тузадилар. Масалан, со-ат тузилган бўлсин. Ўқитувчи болаларга саволлар беради: Бу сўз неча бўғиндан тузилган? Биринчи бўғини қайси? (со-). Иккинчи бўғинчи? (-ат) Биринчи бўғиннинг биринчи ҳарфи қайси? (с) Иккинчи ҳарфи-чи? (о) Сўзнинг иккинчи бўғини ҳам шу усулда таҳлил қилингач, сўз бўғинларга бўлинниб, сўнг ўқилади, ўқишига қийналувчи ўқувчиларга алоҳида ўқитилади.

МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ишнинг бошида етарли ўқиши кўнимаси бўлмагани учун иш секин бажарилади. Яна шундай қилиш мумкин: ўқитувчи хаттахтага пар-та сўзини босма ҳарфлар билан ёзиб қўяди ёки бир неча сўзни кесма ҳарфлардан тузади. Ўқитувчининг таклифи билан бир ўқувчи биринчи -пар бўғинини ўқийди, иккинчи ўқувчи -та бўғинини ўқийди, учинчи ўқувчи эса парта сўзини ўқийди. Сўнг синфдаги барча ўқувчилар парта сўзини жўр бўлиб

такрорлайдилар. Ўқиши малакасини синаб кўриш учун айрим болаларга бу сўз индивидуал ўқитилиб кўрилади. Бу усул ўқиши тезлигини ошириш, ўқувчиларнинг ҳар қандай бўғин ва сўзларни аввал ичда бир марта ўқиб олиши, сўнг уни овоз чиқариб ўқишлирига имкон беради. Болаларнинг бунга одатланиб қолмасликлари учун, уларда ўқиши кўнижаси бир оз системага тушиб қолгандан сўнг, такрор ва секин ўқишидан аста-секин тўғри ва тез ўқишига ўргатиб борилади.

Шунингдек, Со-бит, Со-диқ, Са-ли-ма каби янги бўғиндан кейинги бўғинларни ўзгартириш, сўз таркибидаги ҳарфларни аста-секин ошириш, камайтириш йўли билан турли сўзлар ҳосил қилиш, уларни ўқиши мухим аҳамиятга эга. Бу ишларнинг ҳаммаси синф ҳарф кассаси воситасида ташкил қилинади.

Сўз таркибидаги айрим ҳарфларни бошқа ҳарфлар билан алмаштириб ўқишида ўқитувчи икки хил усулдан фойдаланади: бош сўзи хаттахтада кесма ҳарфлар ёрдамида тузилади, сўз таркибидаги о ҳарфини э ҳарфи билан алмаштиришни болалардан талаб қиласи, болалар ишни бажаргач, энди қандай сўз ҳосил бўлди, ўқинг, деб болаларга топшириқ беради. Ўқувчилар сўзни ўқиб, бош сўзининг беш сўзидан фарқини англайдилар ёки ўқитувчи хаттахтада бор сўзини тузиб, ўқувчилардан сўрайди: Қайси ҳарф қайси ҳарф билан алмаштирилса, бор сўзи бер сўзига айланади? Бу саволга жавоб топиш анча мураккаб. Бу ишда болалар қийналсалар, ўқитувчи уларга йўл-йўлакай ёрдам беради.

Сўз таркибидаги айрим ҳарфларнинг бошқаси билан алмаштириб ўқиши ўқувчиларни тез ўқишига ҳам ўргатади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Ҳар бир янги сўзни ўқишини аввал хаттахтадаги ёзувдан ёки кесма ҳарфлардан тузиб ўқишидан бошлаш, кейин китобдан ўқиши зарур. Хаттахтадаги сўзларни босма ҳарф билан ёзиш, кесма ҳарфлардан сўз тузиш болалар диққатини бир нуқтага тўплашга ёрдам беради, шунингдек, болаларнинг ўқиши кўнижасини синаб кўриш учун имконият яралади. Масалан, ўқитувчи олма сўзини бўғинларга бўлиб, товушларни бир неча марта аниқ қилиб айтиб беради, ўқувчилар уни диққат билан тинглаб, кесма ҳарфлардан шу сўзни тузадилар. Бу сўзни кесма бўғинлардан ҳам тузишлари мумкин. Ўқувчилар тузган сўзни текшириш учун бир ўқувчи ҳарф картонида шу сўзни тузади. Бошқа ўқувчилар ўзлари тузган сўзларнинг тўғрилигини ўқитувчининг ёрдами билан текшириб чиқадилар.

Ҳар бир дарсда кесма ҳарфлар билан ишлашга вақт ажратиш зарур, чунки ўқувчи сўз тузиш жараёнида уни ёзишига ҳам ўрганади.

Китобда ўқиши учун тавсия этилган сўзлар устунчаларга бўлиб, гурухлаштириб берилган, ҳар қайси устунчадаги сўзлар бошқа бетдаги сўзлардан ажралиб туради. Бир бетда устунчада берилган сўзлар бошқа бетдаги сўзлардан тузилиши билан фарқ қиласи. Бу сўзларнинг хусусияти ўрганилган янги ҳарф ва сўзларнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради. Уларни ўқишида болалар баъзан қийналишлари ҳам мумкин. Бунинг учун ўқишининг дастлабки машғулотларида китоб устунчаларида берилган сўзларни ўқитувчи хаттахтага ёзади ёки бундай сўзларни маҳсус плакатларга ёзиб қўйиши ҳам мумкин. Болалар бу хил сўзларни ўқишига ўрганиб олганларидан сўнг, китобдаги сўзлар ўқилади, ўқиши шу йўл билан мустаҳкамланади. Машғулот охирида ўқитувчи ўқувчиларга саволлар беради: "Устунчалардаги сўзларни ўқишида ким қийналди?", "Ким тўғри ва тез ўқийди?".

Бу хилдаги саволларга болалар тезда жавоб берадилар. Бундай саволлар ўқиши жараёнида болаларни дикқат билан ўтиришга одатлантиради.

Устунчадаги сўзларнинг тўғри ўқилиши унинг мазмунини тушуниш имконини беради. Бунинг учун бу сўзлар ўқиб бўлингач, ҳар бир сўз юзасидан болаларга саволлар бериш лозим. “Машина” сўзи ўқилгач, “Машинани қаерда кўргансиз?”, “Ўқтам” сўзи ўқилгач, “Кимнинг оти Ўқтам?” каби саволларнинг берилиши шу сўзларнинг мазмунини тушунишга ёрдам беради. Болалар бутун сўзларни бир-бирига қиёслаш йўли билан ўқийдилар. Бундай қиёслаш онгли ва тўғри ўқишига ундаиди. “Алифбе” китобининг 46-бетида қўйидаги сўзлар устунчаларда берилган:

боғ	ғўра	Fa-ни
боғ-ча	ғун-ча	Fу-лом
боғ-бон	Фай- рат	У-луг

Кўриниб турибдики, “боғ” сўзини ўқиган бола унга – ча бўғинини қўшиш орқали “бўғча” сўзини ҳосил қиласди, сўнг уни қийналмай ўқийди. Иккинчи ва учинчи устунчадаги сўзлар оҳангдош (икки бўғинли) сўзлардир. Бундай оҳангдошлиқ ифодали ўқишини таъминлайди. Ўқитувчи болаларга бу сўзларни ўқитишида сўз урғуларининг тўғри ишлатилишига ҳам эътибор бериши керак.

Устунчадаги сўзларни ўқиши ҳамиша ҳам осон бўлавермайди, баъзи ҳолларда ўқувчилар қийналишлари ҳам мумкин. Бундай қийинчиликлар турлича характерга эга бўлади. Баъзи ўқувчилар ҳарф бирикмаларини тўғри талаффуз қиласдилаар ва ўқийдилар. Болаларнинг ўқишидаги бу хил камчиликларни эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Баъзилар бола бир бўғинни (ми) ўқиши яхши ўрганса, шу турдаги бошқа бўғинларни (на, ки, си, ди каби) ҳам яхши ўқийди, деб ўйлайдилар. Айниқса, ўқиши жараёнида кам учрайдиган бўғинларни ўқишига кўпроқ эътибор бериш керак бўлади. Масалан, нав (навбат), - роқ (кўпроқ), - санд (хурсанд) каби. Бундай ҳолларда ўқитувчи доим болаларга ёрдам бериши, яъни баъзан шу бўғинни кесма ҳарфлардан ёрдамида кўрсатиши, баъзан уни ўқиши ёълларини изга солиш, баъзан ўзи ўқиб кўрсатиши зарур. Бу усулларнинг яхши натижа бериши ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ.

МУҲОКАМА

Айрим болалар китобдаги сўзларни бирма-бир ўқигандан сўнг, шу сўзларни айтилишини ва китобдаги ўрнини ёдлаб оладилар. Кейинги ўқиши жараёнида сўз таркибига қарамай, ёддан ўқийдилар. Бундай ўқишининг натижаси яхши бўлмайди фойдасиз ҳаракатга айланиб қолади. Бундай ўқишининг олдини олиш учун ёдлаб оловчи ўқувчиларни ажратиб, кесма ҳарфлардан тузилган сўзларни ўқишига ундаш лозим. У ҳолда сўз таркибидаги айрим ҳарф ва бўғинлар алмаштириб турилади, китоб ўқигандан эса, бундай болаларга шундай топшириқ бериш мумкин: “Хар устуннинг охирги сўзларини ўқи” ёки “Хар устуннинг иккинчи сўзини ўқи” ва ҳоказо. Бу усул болаларни сўзларни ёдлаб ўқищдан сақлайди.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг дикқати ўқиши жараёнида, асосан, ҳарфга, уларнинг қўшилишига тушуниб, бола сўз маъносига дикқатини қаратса олмайди. Осон сўзларнинг маъносини сўрасангиз ҳам дадил жавоб бера олмайди. Ўқиши демакдир, яъни маъносини тушунмай ўқиши, ўқиши ҳисобланмайди. Ўқишининг ўзи ўқилаётган сўзларни маъносини очишдан иборатдир. Демак, ўқув машғулотининг дастлабки куниданоқ, ўқитувчи ўқишининг тўғрилигини қанча зарур деб тушунса,

ўқишининг онглилигини ҳам шунча зарур деб билиши лозим. Қайси сўзни ўқитувчи ўқиш учун тавсия этса, шу сўзниң маъносига бола ҳам тушунганига қаноат ҳосил қилиш лозим. Бу ҳол кейинги матнни тушунишда ҳам болани қийнамайди. Бунинг учун:

- 1) ўқилган сўзлар иштирокида болани гап тузиши ўргатиш;
- 2) ўқилган сўзларниң маъноси юзасидан савол-жавоб ташкил қилиш керак.

“Лола - лола терди” гапидаги ҳар иккала “лола” сўзининг маъносини болалар тушунмасликлари ҳам мумкин. Буни ўқитувчи аниқлаши ва ўз вақтида тегишли йўллар билан тушунтириши лозим.

Устунчалардаги сўзларни ўқишга ўргатиш болаларни гапларни ўқишга тайёрлади.

Сўзларни онгли ўқиш гапларни онгли ўқишни таъминлайди. Ўқиша болалар гапдаги ҳамма сўзларниң маъносини тушунмаслиги мумкин. Алифбо даврида ўқувчиларда етарли ўқиш қўникмаси бўлмагани учун, уларнинг диққати фақат бир сўз маъносига ёки кичик ҳажмли гап маъносига тортилади, матн мазмунини тушунишга ҳали қийналадилар. Бунга эришиш учун ўқитувчи ҳар бир ўқиш машғулотида болалар ўқиган сўз, гап, матн мазмунини тушуниб ўқишлирига эътибор бериши керак. Ўқилган гапнинг, айниқса, матннинг мазмунини тушунишда ифодали ўқиш катта рол ўйнайди. Одатда, болаларнинг ўқиш оҳанги сўзлашув оҳангидан фарқ қилмайди. Ўқиша жонлилик сезилмайди, сунъий оҳанг билан ўқийдилар. Бу ҳол, сўзсиз, ифодалиликни бузади. Болаларни ифодали ўқишга ўргатиш жуда мураккаб ишдир. Бунинг учун ўқувчилар матнни бир марта ўқиб чиқадилар. Кейин ўқитувчи матннинг характеристига қараб ўзи ифодали ўқиб беради, ҳар бир гапни қандай оҳанг билан боғлаш, гап тугаганда нуқта олдидан овозни пасайтириш кераклигини тушунтиради. Ўқувчиларнинг ифодали ўқишлири матн мазмунининг тўғри ва тўлиқ тушунилишига имкон беради.

Болалар гап маъносини тушуниб олдими ёки гапдаги ҳар бир сўзниң маъносини тушундими? Буни ҳам ўқитувчи билиши керак. Биринчи синфда болаларнинг жавоби тўлиқ бўлиши, бир сўз билан “Ҳа, йўқ” деб жавоб беришига йўл қўймаслик керак. Матннинг мазмунини тушуниш учун матн таркибида барча гаплар мазмунини тушуниши, уларни бир-бирига боғлай олиши талаб қилинади. Бу эса бола учун мураккаб бўлганлиги сабабли ўқитувчининг саволи уларнинг тушунишига йўлланма, восита вазифасини ўтайди. Ўқитувчининг бундай ёрдами ўқув даврининг характеристига қараб турлича бўлади. Масалан, агар алифбо даврининг дастлабки босқичларидан бошлаб болаларга бундай саволларга жавоб бериш ўргатиб борилса, кейинчалик уларга умумийроқ саволлар билан мурожаат қилиш мумкин.

ХУЛОСА

Тажрибалар шуни кўрсатадики, болаларнинг ўқиш тезлиги, ўқищдаги ифодалилик бир хил ривожланмайди. Айрим ўқувчилар ўқиш малакасини осонликча, тез эгалласалар, бошқалари секин, шошилмай, бўғинлаб ўқийдилар. Бунинг сабаблари ўз-ўзидан маълум: ўқувчиларда ўзлаштирувчанлик, ўз диққатини марказлаштириш, умумий тайёргарлик даражалари ҳеч қачон бир хил бўлмайди.

Алифбо даврининг учинчи босқичида матн мазмунини тўлиқ тушуниш учун танлаб ўқишининг ҳам аҳамияти каттадир. Танлаб ўқиш, аввал айрим сўзларни тўғри ўқишини ўргатади, сўнг айрим гап, сўзларни матн таркибидан излаб топиш, маълум сўзни бошқа сўзлардан ажратса олиш укувини ҳосил қиласди. Бу эса болалардаги ўқиш қўникмасини такомиллаштиради. Энг муҳими, матнда фикр нима ҳақида бораётганини аниқлаб олиш,

матн мазмунини тўлиқ тушуниб ётиш имконини беради, уларнинг оғзаки нутқи ривожланади.

REFERENCES

1. Mirziyoev Sh.M. Milliy o‘zligimiz va mustaqil davlatchiligimiz timsoli // O‘zbek tiliga davlat tili maqomi berilganining o‘ttiz yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagি nutq // Xalq so‘zi. – Toshkent, 2019 yil 22 oktyabr. – № 218. – B. 1-4.
2. Azimova I.A. Ona tili ta’limida lisoniy malakani rivojlantirishning psixolingvistik asosi.//“Global ta’lim va milliy metodika taraqqiyoti” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. Toshkent: O‘TAU, 2019, 20-aprel. 219-bet.
3. Qosimova K., Matjonov S., G‘ulomova X., Yo‘ldosheva Sh., Sariyev Sh. Ona tili o‘qitish metodikasi.
4. Buyurtma. "5 yoshdan 12 yoshgacha bo‘lgan bolalarda kognitiv qobiliyatlarni yaxshilash", Moskva - Voronej, 1999.
5. Rohatoy Safarova, Muhayyo Inoyatova. Smart darslik g‘oyasi muallifi: Pedagogika fanlari nomzodi Dadajon Sayfurov. Alifbe 1-sinf [Matn] : darslik.Toshkent: Respublika ta’lim markazi, 2021.